# 23-мавзу: Хусусий капитал ҳисоби

***Ҳақиқат қандай бўлса, шундайлигича акс эттириш, балки яхшидир, аммо ҳақиқатни яратган яхшироқ.***
***Жузеппе Верди.***

Хусусий капиталнинг моҳияти, ҳисобнинг мақсади ва вазифалари;

- Устав капиталини ҳисобга олиш;
- Қўшилган капитални ҳисобга олиш
- Резерв капиталини ҳисобга олиш
- Тақсимланмаган фойдани ҳисобга олиш
- Хусусий капиталга тенглаштирилгн манбалар ҳисоби
- Синтетик ва аналитик ҳисоб;

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун» га мувофиқ корхонанинг хусусий капитали: **ввввв ппппппп, қшшшшшш шшшшшшщ ззҳррр ррррррр** ва **ррқррр рррр рррр р рррр**дан таркиб топади (14 -модда)

***УУУУ УУУУУУУ*** таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасидаги) йиғиндисидир.

***ҚУУ УУУУУ УУУУУУ*** акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

***33ҳ333 3333333*** мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция заҳираларини, шунингдек, текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради.

***ааққггг гггг гггг дддд*** фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

Грантлар ва субсидияларни хусусий капитал сифатида акс эттириш учун қуйидаги шарт-шароитлар асос бўлади:

- маълум шартлар бажарилганида қайтариб бермаслик;
- субсидиялар ва грантларни жалб қилиш учун харажатлар қилинмайди, демак, улар даромад ҳисобланмайди (мослик принципидан келиб чиқиб).




1-чизма. Устав капиталини ҳисобга олиш.

**Хусусий капитал** – хўжалик юритувчи субъект активларининг барча мажбуриятлар чегирилганидан қолган қисми, яъни корхона эгаларининг ушбу корхона активларидаги улушидир.

## Хусусий капитал ҳисобининг вазифалари:

- Хусусий капиталнинг шаклланиши ва унда таркибий ҳамда миқдорий ўзгаришларга олиб келадиган хўжалик муомалаларини назорат қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш;
- Хусусий капиталнинг таркиби бўйича аниқ ҳисоб маълумотларини шакллантириш;
- Хусусий капитал билан боғлиқ операцияларни дастлабки ва йиғма ҳужжатларда тўғри расмийлаштириш ва ҳисобот тузиш.

Қўшилган капитал - акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Бундан ташқари устав капитали эркин конвертирланадиган валютада шакллантирилиши мўлжалланган корхоналарда рўйхатдан ўтиш кунидан бошлаб қўшилмаган улушлар бўйича курс фарқлари қўшилган капитал сифатида ҳисобга олинади.

Тақсимланмаган фойда - фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

Тақсимланмаган фойда корхона фойда кўрсаткичларининг барча харажатларини қоплаш учун тақсимланганидан кейинги фойдани акс эттиради.

# 21-БҲМСга мувофиқ хусусий капиталнинг синтетик ҳисоби қуйидаги счетларда юритилади:



# 21-БҲМСга мувофиқ устав капиталининг синтетик ҳисоби қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:



| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---|---|---|---|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган суммада, (корхона рўйхатдан ўтказилгандан кейин) устав капитали тасдиқланди | 4610 | 8310-8330 |
| 2 | Фойданинг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилди:<br>а) ҳисобланган дивидендлар миқдорида<br>б) устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойда миқдорида | 8710<br>6610 | 6610<br>8310-8330 |
| 3 | Устав капитали тўпланган капитал миқдоригача камайтирилди | 8310-8330 | 4610 |
| 4 | Корхона таъсисчиларига улушлари қайтарилди | 8330 | 6620 |
| 5 | Акциядорлардан сотиб олинган ва бекор қилинган хусусий акциялар устав капиталини камайтирилишига ҳисобдан чиқарилди:<br>а) номинал қийматдан юқори баҳода сотиб олиш<br>номинал қийматига<br>номинал қийматдан ошган<br>суммаси<br>б) номинал қийматидан паст нархда сотиб олиш<br>сотиб олиш қийматига<br>номинал қийматидан паст суммасига | 8310, 8320,<br>8410,<br>9690<br>8310, 8320<br>8310, 8320 | 8610, 8620<br>8610, 8620<br>8610, 8620<br>9590 |

# 21-БҲМСга мувофиқ қўшилган капиталнинг синтетик ҳисоби қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:



| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---|---|---|---|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Бирламчи эмиссия акцияларнинг номинал ва эмиссия қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида қўшимча тўланган капитал маблағлари келиб тушди | 5010-5530 | 8410 |
| 2 | Қўшилган капитал маблағлари хусусий акцияларни бекор қилишда сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқни қоплашга ишлатилди | 8410 | 8610, 8620 |
| 3 | Устав капиталини шаклланиш жараёнида вужудга келган ижобий курс фарқи ҳисобга олинди | 4610 | 8420 |

# 21-БҲМСга мувофиқ захира капиталининг синтетик ҳисоби қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:



| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---|---|---|---|
| | | **Дебет** | **Кредит** |
| 1. | Резерв капитали ҳажмининг мулк қийматини қайта баҳолаш натижасида кўпайиши | 0110-0199, 0310<br>0710-0720<br>0810, 0610-0690 | 8510 |
| 2. | Мулкнинг қийматининг ўтган қайта баҳолаш қийматининг оширилган миқдоригача камайтирилиши натижасида резерв капиталининг камайиши | 8510 | 0110-0199, 0310<br>0710-0720, 0810<br>0610-0690 |
| 3 | Асосий воситалар эскиришини қайта баҳолаш:<br>а) қиймати оширилганда;<br>б) қиймати камайтирилганда. | 8510<br>0211-0290 | 0211-0299<br>8510 |
| 4 | Таъсис ҳужжатларига мувофиқ ва жорий йилнинг тақсимланмаган фойда суммаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда резерв капиталига йўналтирилди | 8710 | 8520 |
| 5 | Корхонани тугатиш натижасида резерв капитали ҳисобидан таъсисчиларга даромад (дивиденд)лар ҳисобланди | 8530 | 6610, 6620 |
| 6. | Резерв капитали суммаси жорий ҳисобот йилида фойда олинмаганлиги ёки фойда суммаси етарли бўлмаганлиги сабабли имтиёзли акцияларга даромад (дивиденд)лар ҳисоблаш учун йўналтирилди | 8520 | 6610 |
| 7 | Текинга олинган қимматли қоғозлар ҳисобга олинди | 0610, 5810 | 8530 |
| 8 | Текинга олинган асосий воситалар ҳисобга олинди | 0110-0190 | 8530 |
| 9 | Текинга олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ҳисобга олинди | 0710-0720 | 8530 |

# 21-БҲМСга мувофиқ тақсимланмаган фойданинг синтетик ҳисоби қуйидаги счетларда ҳисобга олинади:

- 8700-Тақсим-ланмаган фойда
  - 8710-Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)
  - 8720-Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)

| Т/р | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётларнинг боғланиши | |
|---|---|---|---|
| | | Дебет | Кредит |
| 1 | Ҳисобот даврида аниқланган якуний молиявий натижа тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счётига ўтказилди:<br>фойда суммаси<br>зарар суммаси | <br><br>9910<br>8710 | <br><br>8710<br>9910 |
| 2 | Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси дивиденд тўлашга йўналтирилди | 8710 | 6610 |
| 3 | Тақсимланмаган фойда резерв капиталини шакллантиришга йўналтирилди | 8710 | 8520 |
| 4 | Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси қолдиғи жамғарилган фойдага ўтказилди:<br>Фойда<br>Зарар | <br><br>8710<br>8720 | <br><br>8720<br>8710 |

# Эътиборингиз учун раҳмат!